

ДИНИЙ ТАШКИЛОТЛАР ТУШУНЧАСИ ВА МОҲИЯТИ

Тошқувватов Синдор Янгибой ўғли

Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси Дастлабки
тергов ва суриштирув кафедраси ўқитувчиси
<https://doi.org/10.5281/zenodo.11190342>

Аннотация. Мазкур мақола диний ташкилотлар тушунчаси, мазмуни, замонавий моҳиятини ёритишга ҳамда диний ташкилотлар тўғрисидаги қонун ҳужжатларига бағишланган. Мақолада атамаларнинг назарий ва ҳуқуқий асослари, амалий жараёнларга боғлиқлиги ва истиқболда унга муносабат масалаларига доир қарашлар баён қилинади.

Калит сўзлар: виждон эркинлиги, диний бағрикенглик, диний ташкилотлар, конфессия, нолегал диний фаолият, ҳуқуқий асос, миссионерлик, прозелитизм.

ПОНЯТИЕ И СУЩНОСТЬ РЕЛИГИОЗНЫХ ОРГАНИЗАЦИЙ

Тошқувватов Синдор Янгибой ўғли

Преподаватель кафедры предварительного расследования и дознания Академии
правоохранительных органов Республики Узбекистан

Аннотация. Данная статья посвящена понятию, содержанию, современной сущности религиозных организаций и законодательству о религиозных организациях. В статье описывается теоретическая и правовая основа терминов, их зависимость от практических процессов и взгляды на отношение к ним в будущем.

Ключевые слова: свобода совести, религиозная толерантность, религиозные организации, конфессия, незаконная религиозная деятельность, правовая основа, миссионерство и прозелитизм.

THE CONCEPT AND ESSENCE OF RELIGIOUS ORGANIZATIONS

Toshquvvatov Sindor Yangiboy oğlu

Lecturer at the department of Preliminary investigation and inquiry at the academy of
Law enforcement agencies of the Republic of Uzbekistan

Annotation: This article is devoted to the concept, content, modern essence of religious organizations and the legislation on religious organizations. The article describes the theoretical and legal basis of the term, its dependence on practical processes and views on the attitude to it in the future.

Keywords: freedom of conscience, religious tolerance, religious organizations, denomination, illegal religious activity, legal basis, missionary and proselytism.

Ҳозирги кунда кишилиқ жамияти ривожига кучли таъсир кўрсатаётган ва ўзига хослик намоён этаётган ижтимоий омиллар қаторида диний омил ҳам алоҳида ўрин тутди. Диннинг яратувчанлик ва бунёдкорлик, уюштирувчилик ва йўналтирувчилик салоҳиятидан фойдаланиш ҳамisha жамият ривожига ва инсоният камолоти учун хизмат қилган.

Ўз навбатида, инсониятнинг кўп асрлик тарихида диндан ниқоб сифатида фойдаланиш, унга сиёсий тус бериш, ундаги ғоялардан ғаразли, жиноий мақсадларда

фойдаланиш бўйича кўплаб мисоллар ҳам мавжуд. Ҳозирги кунда ҳам диндан ғаразли мақсадлар йўлида фойдаланиш давом этиши билан бирга, ўта нозик ва хавфли тус олаётганини кўриш мумкин. Турли шаклларда намоён бўлаётган миссионерлик ҳаракатлари ва прозелитизм, эса бунга ёрқин мисол бўла олади.

Ҳозирги кунда диний келишмовчиликлар ва урушларнинг вужудга келишида миссионерлик ҳаракатлари ва прозелитизм асосий омиллардан бири бўлиб қолмоқда.

Бундай оқибатларни олдини олиш мақсадида, дунёнинг 33 та давлатида прозелитизм ҳаракати умуман ман этилган бўлса, 81 та давлатда хорижий миссионерлар фаолияти чекланган ва 36 та мамлакатда бир диндан бошқа динга ўтиш ҳамда дунё миқёсида мавжуд давлатларнинг 40 фоизда қонунга зид равишда диний адабиётларни чоп этиш ва тарқатиш тақиқланган¹.

Глобаллашув шароитида эса, ахборот оқимининг суръати ва кўлами ошганлиги, ҳар қандай ахборот жамиятнинг хоҳлаган қатламига қисқа ичида ва катта тезликда етиб бориши, ҳар қандай деструктив ғояларни тарқатишни янада осонлаштирганини кўрсатади.

Бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси ўз мақсадларини белгилаб олган бўлиб, халқаро майдонда ўз ўрнига эга. Бизнинг асосий стратегик мақсадларимиздан бири - юрт тинчлиги, миллатлараро тотувлик, диний бағрикенгликни таъминлаш ва мустаҳкамлашдан иборатдир.

Диний ташкилотлар ва давлат ўртасидаги муносабатлар ҳақида гап кетар экан, энг аввало, унинг ҳуқуқий асосларига алоҳида тўхтаб ўтиш лозим бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан ратификация қилинган халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”ги, “Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида”ги, “Нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятининг кафолатлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунлари, Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикасида диний ташкилотларни давлат рўйхатидан ўтказиш, қайта рўйхатдан ўтказиш ва тугатиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 2018 йил 31 майдаги 409-сонли қарори, Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси ва бошқа қонун ҳужжатлари Ўзбекистон Республикасида дин ва давлат ўртасидаги муносабатларнинг ҳуқуқий асосини ташкил этади.

Жумладан, БМТ томонидан 1948 йил 10 декабрда қабул қилинган “Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси”нинг 18-моддасида “Ҳар бир инсон фикр, виждон ва дин эркинлиги ҳуқуқига эга”², эканлиги қайд этилган. Шунингдек, БМТ томонидан 1966 йил 16 декабрда қабул қилинган “Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисида”ги халқаро Пактнинг

18-моддасида таъкидланганидек, “Ҳар бир инсон фикр, виждон ва дин эркинлиги ҳуқуқига эга. Дин ёки эътиқодга сиғиниш эркига фақат қонун билан белгиланган ва

¹В.Еленский. Религиозная свобода: глобальные измерения. <http://tatpolit.ru/category/zvezda/2011-06-21/6008>.

² Инсон ҳуқуқлари умумий назарияси: ИИВ тизимидаги таълим муассасалари тингловчи ва курсантлари, шунингдек ҳуқуқни муҳофаза этувчи органлар ходимлари учун дарслик. — Т., 2012. —214 б.

жамоат хавфсизлигини, тартибини, саломатлиги ва ахлоқини сақлаш учун, шунингдек, бошқа шахсларнинг асосий ҳуқуқлари ва эркини муҳофаза этиш учун зарур бўлган чеклашлар билангина дахл қилиниши мумкин.”³.

Хусусан, Янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 35-моддасида “Ҳамма учун виждон эркинлиги кафолатланади. Ҳар бир инсон хоҳлаган динга эътиқод қилиш ёки ҳеч қайси динга эътиқод қилмаслик ҳуқуқига эга. Диний қарашларни мажбуран сингдиришга йўл қўйилмайди.”⁴, деб белгилаб қўйилган бўлиб, 71-моддасида эса, Конституциявий тузумни зўрлик билан ўзгартиришни мақсад қилиб қўювчи, республиканинг суверенитети, яхлитлиги ва хавфсизлигига, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларига қарши чиқувчи, урушни, ижтимоий, миллий, ирқий ва диний адоватни тарғиб қилувчи, халқнинг соғлиғи ва маънавиятига тажовуз қилувчи, шунингдек ҳарбийлаштирилган бирлашмаларнинг, миллий ва диний руҳдаги сиёсий партияларнинг ҳамда жамоат бирлашмаларининг тузилиши ва фаолияти тақиқланиши кўрсатиб ўтилган.⁵

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Конституциянинг 75-моддасида шундай дейилади: “Диний ташкилотлар ва бирлашмалар давлатдан ажратилган ҳамда қонун олдида тенгдирлар. Давлат диний бирлашмаларнинг фаолиятига аралашмайди”⁶.

Мазкур моддада муҳим қоидалар мустаҳкамлаб қўйилган. Аввалло диний ташкилотлар қайси конфессияга тааллуқлилигидан қатъий назар, бир хил ҳуқуқий майдонда фаолият олиб борадилар.

Шу ўринда, диний ташкилот тушунчасига тўхталиб ўтиш мақсадга мувофиқ бўлади. 1998 йилнинг 1 май куни қабул қилинган “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 8-моддасида **диний ташкилотлар** тушунчаси берилган бўлиб, унга кўра, “Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг динга эътиқод қилиш, ибодат, расм-русумлар ва маросимларни биргаликда адо этиш мақсадида тузилган кўнгилли бирлашмалари (диний жамиятлар, диний ўқув юртлари, масжидлар, черковлар, синагогалар, монастирлар ва бошқалар) диний ташкилотлар”⁷, деб эътироф этилади.

Амалдаги қонунчиликка кўра, диний ташкилот Ўзбекистон Республикасининг 18 ёшга тўлган ва Ўзбекистон Республикаси ҳудудида доимий яшаётган 100 нафардан кам бўлмаган фуқаролари ташаббуси билан тузилади.

Шу билан бирга, диний ташкилотлар давлатдан ажратилган бўлса-да, бу диннинг жамиятдан ажратилганини англатмаслигини таъкидлаш зарур. Зеро, бирор динга эътиқод қилувчи фуқаролар ҳам жамиятнинг таркибий қисми ва шу сабабли дин фуқаролик жамиятида ўз мавқеига эга бўлади. Дин ва жамият ҳаётидаги диалектик алоқадорликдан дин ва дунёвий давлат муносабатини белгилаб берувчи бошқа бир тамойил - дин соҳасида кечаётган ўзгаришларни холис ва илмий ўрганиш, башорат қилиш ва шундан

³ Инсон ҳуқуқлари умумий назарияси: ИИВ тизимидаги таълим муассасалари тингловчи ва курсантлари, шунингдек ҳуқуқни муҳофаза этувчи органлар ходимлари учун дарслик. — Т., 2012. — 224 б.

⁴ <https://lex.uz/acts/20596>

⁵ <https://lex.uz/acts/20596>

⁶ <https://lex.uz/acts/20596>

⁷ <https://lex.uz/acts/65108>

келиб чиқиб, ижобий жараёнлар ривожига янада кенгроқ имконият яратиш, салбий ҳолатларнинг олдини олишдир.

Ўзбекистонда диний ташкилотларни шартли равишда икки гуруҳга, яъни **исломий** ва **ноисломий диний ташкилотларга** ажратиш мумкин.

Ноисломий диний ташкилотлар тушунчасини мамлакатимизда фаолият юритаётган, ислом динига алоқаси бўлмаган барча конфессияларга нисбатан ишлатиш мумкин. “Ноисломий диний ташкилотлар” атамаси асосан аҳолисининг аксарият қисмини ислом динига эътиқод қиладиган давлатларда ишлатилади.

Жумладан, Ўзбекистон аҳолисининг 93 фоизидан ортиғи ислом динига эътиқод қилишлиги ҳамда диний озчилик ташкил қилувчи аҳолининг ҳам ҳуқуқларини ҳисобга олиб, ислом дини билан боғлиқ бўлмаган конфессияларга нисбатан ноисломий конфессиялар тушунчаси қўлланилади.

Ҳозирги кунда Республикамизда ислом дини билан бир қаторда ноисломий диний ташкилотларнинг фаолият юритишлари учун ҳам кенг имконият ва шарт-шароитлар яратиб қўйилган.

Шу ўринда, 2018 йилнинг 28 декабрь кунигаги Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасида “Ўзбекистон миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенглик соҳасида ўз анъаналарига доимо содиқ бўлиб, бу йўлдан ҳеч қачон оғишмасдан илгари боради. Мамлакатимизда турли миллат ва диний конфессиялар вакиллари ўртасида ўзаро ҳурмат, дўстлик ва аҳиллик муҳитини мустаҳкамлашга биринчи даражали эътибор қаратилади. Бу – бизнинг энг катта бойлигимиз ва уни кўз қорачиғидек асраб-авайлаш барчамизнинг бурчимиздир”⁸ – деб таъкидлаган сўзлари ўта муҳим аҳамият касб этади.

Бугунги кунда республикада 16 та диний конфессия рўйхатдан ўтган бўлиб, 15 та ноисломий конфессияга мансуб 183 та диний ташкилот эркин фаолият юритиб келмоқда. Бироқ, ҳозирги кунда айрим конфессияларнинг аъзолари томонидан диний ташкилотлар тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш билан боғлиқ жиноятлар ҳам содир этилмоқда.

Диний ташкилотлар тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш билан боғлиқ жиноятлар деганда, нолегал диний фаолият билан шуғулланиш, диний ташкилотлар раҳбарларининг мазкур ташкилотлар уставини рўйхатдан ўтказишдан бош тортиши, руҳонийлар ва диний ташкилотлар аъзолари томонидан болалар ва ўсмирларнинг махсус йиғилишлари, шунингдек диний маросимга алоқаси бўлмаган меҳнат, адабиёт ва бошқа хилдаги тўғараклар ҳамда гуруҳларни ташкил этиш ва ўтказиш, бир конфессияга мансуб диндорларни бошқасига киритишга қаратилган хатти-ҳаракатлар тарғибот-ташвиқот қилиш, эътиқод қилувчини виждон эркинлигига қарши мажбуран бошқа конфессияга киритиш каби қилмишларни содир этиши тушунилади.

Нолегал диний фаолият билан шуғулланиш деганда, қонун билан белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилмаган ва диний фаолиятни тегишли рухсат олмасдан амалга оширувчи турли диний ташкилотларнинг ташкил этилиши ёхуд ташкилотнинг таъсис ҳужжатлари ёки диний ташкилотлар тўғрисидаги қонун ҳужжатларида

⁸ <https://president.uz/uz/lists/view/2228>. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 28.12.2018 йил.

кўрсатилмаган мақсад, вазифалар ва фаолият билан шуғулланишни тушуниш лозим.

Диний ташкилотлар тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш жиноятлари маъмурий преюдицияга эга бўлиб, бундай хатти-ҳаракатларни содир этганлиги учун маъмурий жавобгарликка тортилган шахс томонидан ушбу қилмиш 1 йил мобайнида қайтадан содир этилиши лозим.

Хулоса қилиб айтганда, диний ташкилотлар тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш билан боғлиқ жиноятлар Ўзбекистон Республикасида кам тадқиқ этилган бўлиб, ушбу жиноятларни аниқлаш, уларни фош этишнинг криминалистик тактикаси ва методикаси ишлаб чиқиш, криминалистик усуллари такомиллаштириш лозим бўлади.

References:

1. В.Еленский. Религиозная свобода: глобальные измерения. <http://tatpolit.ru/category/zvezda/2011-06-21/6008>.
2. Инсон ҳуқуқлари умумий назарияси: ИИБ тизимидаги таълим муассасалари тингловчи ва курсантлари, шунингдек ҳуқуқни муҳофаза этувчи органлар ходимлари учун дарслик. — Т., 2012. — 214 б.
3. Инсон ҳуқуқлари умумий назарияси: ИИБ тизимидаги таълим муассасалари тингловчи ва курсантлари, шунингдек ҳуқуқни муҳофаза этувчи органлар ходимлари учун дарслик. — Т., 2012. — 224 б.
4. <https://lex.uz/acts/20596>
5. <https://lex.uz/acts/20596>
6. <https://lex.uz/acts/20596>
7. <https://lex.uz/acts/65108>
8. <https://president.uz/uz/lists/view/2228>. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 28.12.2018 йил.